



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Термиз давлат университети ректори

А.Х.Тошқулов

2017 йил

«Термиз давлат университетининг вакант лавозимлар» интерактив хизмагининг
намунавий регламенти

Хизмат таърифи

1.1 Хизмат номланиши

Қисқа номи: "Термиз давлат университетиги вакант лавозимлар".

Кенгайтирилган номи: Термиз давлат университети расмий сайти орқали вакант лавозимлар хизмати

1.2 Хизмат натижаси

Термиз давлат университети бўш ўринларига (вакант лавозимлар) номзод сифатида рўйхатга олиш.

1.3 Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Термиз давлат университети томонидан кўрсатилади.

1.4 Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний шахслар.

1.6 Мурожаат этиш муддатлари

Белгиланган иш куни муддатларда.

1.7 Бажариш муддати

Белгиланган муддатларда (муддат кўрсатилсин).

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- Хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари;
- Термиз давлат университетига ходимларни ишга қабулқилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар бериш.

2.2. Батафсил маълумот олиш

Термиз давлат университетидаги вакант лавозимлар хизмати тўғрисида ахборот бериш Термиз давлат университети расмий веб-сайти орқали амалга оширилади.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Термиз шаҳар Баркамол авлод 43 уй. Йўналиш маршрути: Дамас 2,7,5-Автобус

2.4. Фойдаланиладиган бланкалар

Ариза электрон шаклда тўлдирилади.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: душанба жума (соат 09⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача)

3.1 Мурожаат жавобларини кутиш вақтлари

Белгиланган муддатларда.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1 Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
 - Аризачи СТИР, меҳнат дафтарчаси, илмий даража. илмий унвон. шунингдек илмий ишлар рўйхати ва ихтиролар (мавжуд бўлса) тегишли дипломлар аттестатлар малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларининг электрон нусхасини тақдим этиши лозим.
- (Қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови:

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

Термиз давлат университети расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
 - Интерактив хизматлар бўлиmidан "Олий таълим муассасасидаги вақант лавозимлар" хизмати танланади.
 - Ҳужжатларнинг электрон нусхаси илова қилинади.
 - Оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланади. "Электрон рақамли имзо билан юбориш" функцияси танланади ва ариза юборилади.
- (Қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Электрон ариза қабул қилингандан сўнг ариза ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади. Масбул ходим томонидан мурожаат этган шахсга олий таълим муассасаси бўш ўринларига (вақант лавозимлар) номзод сифатида рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этилади. Аризага рад жавоби берилса, унинг асослари аризагача юборилади.

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ходимлар бўлими бошлиғи



Ю.Хаккулов

“ ” 2017 й

“ КИРИТИЛДИ ”

Термиз давлат университети

Ахборот технологиялари

маркази бошлиғи



Х.А.Чориев

“ 10 ” 11 2017 й